2015 йил 17 июль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (12.959)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда қабул қилинган 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш Дастурларини амалга ошириш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2015 йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва батафсил таҳлил қилинди. Республика саноат тармоқлари ва ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, истиқболли стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг бандлигини, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш шулар жумласидандир.

Мамлакатда қабул қилинган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялаш, уни диверсификациялаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиясининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли, жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган инқирозли ҳодисаларга ва унинг ривожланиши суръатлари сусайганлигига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва макроиқтисодий мувозанатни мустаҳкамлаш таъминланаётганлиги қайд этилди. Ютуқлар ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари халқаро молия институтлари томонидан юқори баҳоланаётганлиги таъкидланди. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2015 йил апрель-май ойларида мамлакатимизда бўлган миссияси бошлиғининг баёнотида «Ўзбекистон иқтисодиёти... мураккаб ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намоён этмоқда.... 2015 йилда иқтисодий ўсиш, кутилганидек, юқори бўлади. Бунга яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш,... хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида эришилади», деб қайд этилди.

Биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 8,1 фоизга ўсди. Экспорт ҳажмларининг 7,4 фоизга ўсиши ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортиқ бўлмади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини тубдан кўпайтириш, хизматлар ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, ички талабни мутаносиб рағбатлантириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг 13,5 фоизга, чакана товар айланмасининг 14,8 фоизга ва хизматларнинг 13,1 фоизга ўсишини таъминлади.

Аҳоли бандлиги масалаларини ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 441,8 мингта янги иш ўрни, улардан 274,9 минг иш ўрни ёки 62,2 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Фаол инвестиция сиёсатини ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш, инфратузилмани ривожлантириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 10,9 фоизга ўсишини таъминлади. 2015 йилги Инвестиция дастури доирасида 63 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. 1866 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 585 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Инвестиция жараёнларининг фаоллашуви пудрат қурилиш ишлари ҳажмининг 18 фоизга ўсишига кўмаклашди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори замонавий юқори технологик ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ишга тушириш бўйича муҳим стратегик инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш учун шахсан масъул эканликларига қаратилди. Улар олдига айрим лойиҳалар бўйича йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдиришга ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга инвестициялар жалб этишни жадаллаштиришга қаратилган комплекс қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини сафарбар қилиш, маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, анъанавий бозорларда мамлакатимизнинг экспорт қилувчилари мавқеини мустаҳкамлаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Е.Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

***Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида ёзги таътил пайтида ўқитувчиларга маслаҳат, услубий қўлланма ва тавсиялар бериш мақсадида мактабдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича маслаҳат маркази очилди.***

Ёз – болажонларнинг севимли фасли. Бу пайтда улар мамлакатимизнинг хушманзара масканларида жойлашган соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб, навбатдаги ўқув йили учун куч тўплайди. Аксарият ўғил-қиз ёзги таътилни экологик тоза ҳудудлардаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказмоқда. Бундай масканларга бормаган болажонлар учун бўш вақтни мазмунли ва қизиқарли ўтказиш имконини берадиган турли акция ва тадбирлар ташкил этиш назарда тутилган. Улар пойтахтимиздаги «Баркамол авлод» болалар марказларида фаолият юритаётган турли спорт секциялари ва тўгаракларга қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан фаолият юритаётган тўгараклар мактабдан ташқари таълим тизимининг муҳим бўғинидир.

Шундай масканлардан бири бўлган Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази тарбияланувчилари республика ва халқаро танлов ҳамда мусобақаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгалламоқда.

Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази директори Т.Мирсоатованинг таъкидлашича, марказда болаларнинг ижодий қобилиятини юзага чиқариш учун барча шароит яратилган. Ҳар бир бола ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб тўгарак танлаши мумкин. Бу ерда ҳар йилги ёзги мавсумга пухта тайёргарлик кўрилади. Биринчи навбатда, машғулот ва маданий тадбирларнинг махсус режалари тузиб олинади. Жорий йилда марказ ходимлари умумтаълим мактаблари қошидаги бир неча кундузги болалар оромгоҳларининг очилишида иштирок этиб, ўқитувчилар ва тўгарак раҳбарлари учун семинарлар ўтказди.

(Давоми 2-бетда)

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҲАР БИР ФУҚАРО МАНФААТИ ЭЪТИБОРДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари М.Хўжаева, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази директорининг ўринбосари З.Бекмуродов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг барча қатламларини кучли, аниқ ва манзилли тарзда ҳимоялаш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини таъминлашга оид қонунчилик базаси узлуксиз такомиллашиб бораётгани уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Бугунги кунда ушбу соҳага йўналтирилган юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат амалиётга изчил жорий этилмоқда. 2008 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базанинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларида алоҳида эҳтиёжли фуқаролар учун жами 725 ўринли минтақавий реабилитация марказларида тиббий-психологик, ижтимоий, касбий реабилитация хизмати, ҳуқуқий масалалар бўйича зарур ёрдам берилмоқда. Ҳар йили ушбу реабилитация марказларида 17 мингдан ортиқ алоҳида эҳтиёжли фуқаро, жумладан, 2 мингдан ортиқ кўмакка муҳтож болага комплекс тарзда реабилитация муолажалари кўрсатилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида ногирон болаларга реабилитация тадбирларини ўтказиш учун Бухоро вилоятидаги ногирон болалар реабилитация маркази, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси ва Юнусобод туманидаги 41-оилавий поликлиника тасарруфидаги болалар реабилитация марказлари, Республика болалар руҳий асаб касалхонаси, болалар ортопедия, таянч ҳаракат касалликлари реабилитацияси марказлари, Республика болалар суяк сили санаторийлари фаолият олиб бормоқда.

Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масалаларига эътибор қаратиш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда халқ таълими вазирлиги тизимида имконияти чекланган болалар учун 93 махсус мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб, уларда 11 мингдан ортиқ ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Тадбирда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижросини тўлиқ ва сифатли таъминлаш юзасидан фикр алмашилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманганда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда шаҳар ва туман босқичларида сараланган вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими тизимидаги муассасалардан элликдан зиёд хонанда ва бадиий жамоалар иштирок этди.**

**● Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида Самарқандда «Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. Мажмуани ва амфитеатрни ёритиш тизими ҳам энг сўнгги русумдаги технологиялар асосида бутунлай янгидан яратилмоқда. Бу ишни «Тошшаҳарнур» корхонаси мутахассислари германиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Мазкур янги тизимда архитектуравий ёритиш, лазер шоу ва 3D ўлчамдаги намойиш кўзда тутилган.**

**● Жиззахда Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди.**

**● Навоий вилояти Конимех туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган «Биз барчамиз истеъмолчимиз» грант лойиҳаси доирасида «Истеъмолчи минбари» газетаси таҳририяти томонидан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Навоий вилоят ҳудудий бирлашмаси ҳамкорлигида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Samsung компанияси Galaxy Note 5 фаблети тақдимотини сентябрдан август ўртасига кўчирди. Шу тариқа, у сентябрда янги iPhone 6s ва iPhone 6s Plus смартфонларини намойиш этиш ниятида бўлган Appleдан ўзиб кетади. iPhone 6 ва iPhone 6 Plus Samsung Galaxy Note 4 дан олти кун аввал чиқарилган эди. Бу йил эса Samsung бундай хатони такрорламайди ва янги фаблет Жанубий Корея компаниясининг 2015 йил 3-чорагидаги даромадини кўпайтириш имконини бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас.**

**● Facebook Spotify ва яқинда фаолиятини бошлаган Apple Music рақобатчиси бўлиши кутилаётган мусиқали сервисни ишга туширмоқчи. Ғоя ҳозирча дастлабки босқичда, лойиҳанинг ишга тушиш санаси ва бизнес-модели ҳозирча номаълум. Ижтимоий тармоқ аввалига видеоконтентни YouTube каби бошқа сайтлар эмас, балки Facebookнинг ўзига жойлаштиради.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда ғалла ўрим-йиғими мавсуми якунларини танқидий таҳлил қилишга ва об-ҳаво шароитларининг ғўза ҳосилига салбий таъсирининг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга, шунингдек, ғўзани парвариш қилиш бўйича комплекс агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга жиддий эътибор қаратилди. Аграр секторни янада ривожлантириш ва модернизациялаш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоизга ўсганлиги қайд этилди. Мўл ғалла етиштирилди ва дон йиғиштириб олинди.

Жорий йилнинг ниҳоятда ноқулай об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда, мажлис қатнашчиларининг эътибори об-ҳаво шароитларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, энг аввало, ғўзага салбий таъсирини камайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг ва ижтимоий соҳа объектларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига қишлоқ хўжалиги экинларини ўз вақтида суғоришни таъминлаш, ғўзаларни зараркунандалардан интеграциялаштирилган ҳолда самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш, шунингдек, агротехника ва ирригация-мелиорация тадбирларини ўтказиш учун ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан тасдиқланган 2015-2019 йилларда ислоҳотлаш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш Дастурларининг тизимли амалга оширилишини таъминлаш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат эътиборида бўлди. Иқтисодиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш, хусусий мулкнинг аҳамияти ва улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишни ва кафолатларини кучайтириш, акциялаштиришни чуқурлаштириш ва корпоратив бошқаришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ишларни самарали мувофиқлаштириш ҳамда тизимли ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этиб ўтилдики, ўрта муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва модернизациялаш стратегиясининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этадиган ушбу дастурий ҳужжатларнинг муваффақиятли амалга оширилиши яқин йиллар мобайнида иқтисодиётни ўстиришнинг юқори суръатларини сақлаб қолишни, иқтисодиётнинг янада замонавий ва диверсификациялаштан тузилмасини шакллантиришни, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори яқин беш йилга мўлжаллаб қабул қилинган Дастурларга киритилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, уларда назарда тутилган барча мақсадли параметрлар ва индикаторларга эришиш юзасидан уларнинг шахсий масъулиятига қаратилди.

Мажлис давомида 2015-2019 йилларга мўлжалланган таркибий ўзгартиришларнинг қабул қилинган Дастурлари барча бандларини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш устидан мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг қатъий тизимини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бунда тасдиқланган Дастурларнинг тайёргарлик босқичидан бошлаб тўлиқ амалга оширишда унинг ҳар бир бандини кўриб чиқиш ва ижро этишни барча босқичлари устидан изчил назорат қилувчи автоматлаштирилган компьютер дастурларини қисқа муддатларда ишлаб чиқиш ва ишга туширишни таъминлашга қарор қилинди.

Шунингдек, тасдиқланган Дастурлар амалга оширилиши бўйича масъул ижрочилар ҳисобланган вазирликлар, идоралар ҳамда тегишлича улар ижросини мувофиқлаштиришни ва ҳар ойлик назорат қилишни таъминловчи Идоралараро кенгашлар ва Ҳукумат ҳузуридаги комиссиялар белгиланди.

2015-2019 йилларга мўлжалланган тасдиқланган таркибий ўзгартиришлар Дастурлари амалга оширилиши тўғрисида Ҳукумат аъзолари ва бошқа масъул шахсларнинг ҳисоботлари Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида йилнинг ҳар чорагида доимий асосда эшитилишига қарор қилинди.

Мажлисда хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга катта эркинлик бериш, уларни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат биринчи ярим йилликнинг ўзидагина 15,2 мингта янги кичик бизнес субъектларини ташкил этишга кўмаклашди, бу 2014 йилнинг шу давридагидан 6,3 фоиз кўп. Кичик бизнес субъектларига 6,4 триллион сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўп банк кредитлари ажратилди.

Барча даражалардаги ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари тармоғини кенгайтиришда ва янгиларини ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлигини, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини олинган мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш юкланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантириш учун тўсиқларни олиб ташлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги Фармони билан тасдиқланган Дастурни, шу жумладан, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига мансабдор шахсларнинг тўсқинлик қилиши ёки ноқонуний аралашуви юзасидан масъулиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, рўйхатга олиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиботларини янада соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатда мулкчиликнинг устувор шакли сифатида хусусий мулкни ва кичик бизнесни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Шу муносабат билан махсус ташкил этилган ишчи комиссия, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига чора-тадбирлар Дастурида назарда тутилган хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга ва унинг устуворлигини мустаҳкамлашга, энг кўп қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлими яратишга йўналтирилган бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Бош вазир ўринбосарларининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА**

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айни пайтда Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида мингдан зиёд ўғил-қиз шуғулланмоқда. Бу ерда уларнинг қизиқиши бўйича машғулотлар ўтказиладиган турли тўгараклар фаолият юритмоқда. Тўқиш, кулолчилик, дурадгорлик, либослар дизайни тўгаракларида санъат асарларини яратиш ўргатилади. «Радиотехника ва электрон ўйинчоқлар», «Ёш экскурсиячи», «Ёш журналист», «Нотиқлик санъати», «Шарқ миниатюраси», «Компьютер дизайни» ва «Сеҳрли сандиқча» каби тўгараклар болажонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Бу ерда болалар ўз ижодий ғояларини амалга ошириш имконига эга бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига тўқиш тўгараги раҳбари Н.Болтаева. – Кейинчалик бундай ғояларнинг аксарияти ҳақиқий санъат асарига айланади. Машғулотларда анъанавий миллий нақшлар хусусида гапириб, ижодий топшириқлар берамиз. Ўқувчилар топшириқларни бажариш асносида ўз нақшини ўйлаб топиши ва назарий билимини амалиётда мустаҳкамлаши мумкин.

Ёзги таътил кунларида марказ қошидаги тўгаракларга қатнаётган болалар сони анча кўпайган.

– Тўрт йилдан буён «Радиотехника ва электрон ўйинчоқлар» тўгарагида шуғулланиб келаман ва бу ерда кўп нарсаларни ўргандим, – дейди марказ тарбияланувчиси М.Мирсобитов. – Турли электрон жиҳозларни бемалол таъмирлайман. Ушбу касб сир-асрорларидан ташқари техника хавфсизлигига риоя этиш ва асбобларни асраб-авайлаш кўникмаларини ўрганмоқдамиз. Тўгаракда физика фанининг қонунлари ҳаётимизда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини англадим. Чунки барча замонавий приборлар иши мазкур қонунларга асосланган. Тўгарак туфайли физика ва электротехникага оид китобларга қизиқиш пайдо бўлди. Ҳар сафар бирон-бир янгиликдан бохабар бўлишга интиламан.

«Баркамол авлод» болалар марказидаги қизиқарли машғулотлар бўш вақтни мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда.

**Роман БОНДАРЧУК**

# МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида асосий турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш ва аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мева-сабзавот ва узум етиштириш, уни қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар соҳа ривожида муҳим омил бўлаётир.

Яратилган имкониятлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайиб, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ва сифати ошмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини тўлдиришда қўл келаётир.

Фармонга кўра, кейинги йилларда пахта майдонларини 41,9 фоиздан 35,4 фоизга қисқартириш ҳисобидан бошоқли дон экинлари етиштириладиган майдонлар 25,7 фоиздан 45 фоизга, сабзавот, картошка майдонлари 7 фоиздан 8,8 фоизга ошди. Илғор хорижий тажрибалар асосида 23,5 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш ва бошқа инновацион технологияларга асосланган юқори ҳосилли интенсив боғлар яратилди.

Аҳолини қиш мавсумида сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 2009-2015 йилларда 1,8 минг гектар майдонда муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланиладиган иссиқхоналар барпо этилди. Улар хорижнинг илғор технологиялари билан жиҳозланди. Қиш мавсумида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига аҳолини куз-қиш мавсумида арзон нархдаги сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда шахсий ёрдамчи хўжаликларда қурилган 40 мингдан зиёд енгил конструкцияли иссиқхона қўл келмоқда.

– Бу каби юмушлар самарасида кейинги беш йилда асосий турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,6 марта ошди, – дейди Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари Ўткирбек Шералиев. – Шунга мутаносиб равишда аҳоли жон бошига етиштирилаётган маҳсулотлар миқдори ҳам ўсди. Яъни 2009 йилда аҳоли жон бошига 509 килограммдан ортиқ маҳсулот етиштирилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 579 килограммга етди.

Тадбирда юртимизда етиштирилган мева-сабзавот, полиз ноз-неъматлари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар нафақат ички бозор, балки МДҲ, Европа ва Осиё давлатлари бозорларига ҳам етказиб берилаётгани қайд этилди.

Маҳсулот етиштириш қанчалик меҳнат талаб этса, уни исроф қилмасдан, сифатли тарзда сақлаш ундан-да масъулиятли. Ана шуни ҳисобга олиб, маҳсулотларни сақлаш чоралари кўрилмоқда. Сўнгги беш йилда ҳудудларда 231,8 минг тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга бўлган 347 совутгичли омборхона қурилди. Мавжуд саксонта омборхонада модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келгуси йилги ҳосил пишиб етилгунча бемалол сақлаш имконини беради.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзлари қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**(ЎзА)**

***Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайти орқали 23 йўналишда 59 та интерактив хизмат турлари кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг ҳар бири солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, фойдаланишда ўзига хослиги билан ажралиб туради.***

# ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ – ДАВР ТАЛАБИ

Таъкидлаш жоизки, Давлат солиқ қўмитасининг барча интерактив хизматлари **www.soliq.uz** расмий web-сайти орқали бепул кўрсатилади.

Маълумки, Солиқ кодексининг 45-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, 2015 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботини телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзда тақдим этишлари лозим.

Сайт орқали солиқ ҳисоботини телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзда тақдим этиш учун солиқ тўловчилар электрон рақамли имзога эга бўлишлари керак. Бу борадаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан Янги технологиялар илмий ахборот маркази билан ҳамкорликда барча солиқ тўловчиларни электрон рақамли имзо билан таъминлаш юзасидан жадал тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида тадбиркорлик субъектларининг юз фоизи солиқ ҳисоботини давлат солиқ хизмат идораларига телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзда тақдим этмоқдалар.

Замонавий ахборот – коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланиб, ҳар жиҳатдан турмуш тарзимизга кириб келганлигини инобатга олиб, давлат солиқ ҳизмати органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматларининг айримларидан замонавий смартфонлар учун ишлаб чиқилган мобиль дастур ёрдамида ҳам қулай ва осон фойдаланиш мумкин. Ушбу мобиль дастури орқали «Янгиликлар», «Солиқ органлари ҳақида», «СТИРингизни аниқланг», «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар», «Сизнинг солиқ хизматингиз», «Солиқ қарзини аниқлаш», «ҚҚС тўловчи», «Кўп учрайдиган саволлар», «Мурожаатлар ҳақида маълумот олиш», «Солиқ низоларини кўриб чиқиш», «Кичик бизнес тоифасига мансублигини аниқлаш», «Сўровнома», «Имтиёз маълумотномаси», «Электрон қабулхона», «Текширишлар режа жадвали», «Ўз бизнесингни ярат» каби интерактив хизматлардан фойдаланиш мумкин. «SOLIQ» мобиль иловаси ўзбек ва рус тилларида яратилган ва яқин орада инглиз тилида фойдаланувчилар учун ҳам хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Давлат солиқ қўмитасининг расмий **www.soliq.uz** сайтидаги интерактив хизматларнинг афзаллиги шундаки, солиқ тўловчилар куннинг исталган вақтида солиқ мажбуриятларини бажаришлари, солиқ қонунчилигига оид барча маълумотларни олишлари мумкинлиги билан ўзларининг вақт ва маблағларини тежайдилар.

**Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

**Фармон ва ижро**

# САРМОЯЛАР ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим омилига айланди. Бозорни рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти катта.***

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлар учун янада қулай ва эркин муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Соҳага тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашда молия муассасаларининг фаолияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга. «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки хизматлар кўламини кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида банкдан 809,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Шундан 435 миллиард сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилиб, бу борада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ўсиш таъминланди. 1 минг 500 тадбиркорга 44 миллиард сўмлик микрокредитлар берилиб, натижада 3 минг 137 янги иш ўрни яратилди.

– Хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловлар бартараф этилаётгани фаолиятимизни янада кенгайтиришда қўл келмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Бухоро вилоятидаги «Амирбек Аюб» хусусий корхонаси раҳбари Миржон Кароматов. – Корхонамизда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Буюртмачилар ортгани боис янги, замонавий печларга эҳтиёжимиз бор эди. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Тўқимачилик» филиалидан олинган кредит эвазига 2 дона печ харид қилдик. Бу нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қўшимча иш ўрни яратиш имконини берди.

– Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити бизга кенг имкониятлар яратмоқда, – дейди Наманган вилоятидаги «Estragon» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зокир Танибоев. – «Ўзсаноатқурилишбанк» Наманган филиалининг 200 миллион сўмлик сармояси эвазига иссиқхона ташкил этдик. Натижада маҳалламиздаги уч киши иш билан таъминланди. Икки йилдан буён аҳоли дастурхонига арзон нархларда помидор, бодринг ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етказиб бермоқдамиз.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда ҳам банк фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, жорий йилда ҳудудларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган юздан ортиқ лойиҳани молиялаштириш учун 37,7 миллиард сўм ажратилди. Унинг эвазига олти юздан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Сурхондарё вилоятидаги «Кавсар мадад» хусусий корхонасига шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 600 миллион сўм, Бухоро вилоятидаги «Мирзо Улуғбек» корхонасига темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 400 миллион сўм, Навоий вилоятидаги «Навоий пряжа» корхонасига синтетик тола ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 300 миллион сўм, Хоразм вилоятидаги «Хонқа парранда» масъулияти чекланган жамиятига паррандачиликни ривожлантириш учун 700 миллион сўм кредит ажратилди.

– Тадбиркорликни йўлга қўйишимизда банкнинг бошланғич сармояси жуда қўл келди, – дейди Наманган вилоятидаги «Косонсой Ал-Азиз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Тошматов. – Пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. Жорий йилда банкдан олинган 850 миллион сўм кредит ҳисобига хориждан замонавий ускуналар харид қилиб, ишимизни янада кенгайтирдик. Янги линия ишга туширилгач, маҳсулотларимиз сифати яхшиланиб, буюртмачилар ортди. Қўшимча 9 иш ўрни очилди.

Тўрақўрғон туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Баҳром Иномов ўтган йили «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Наманган вилояти филиалидан бир миллиард сўм кредит олиб, паррандачиликни йўлга қўйди. Уч йил муддатга берилган мазкур маблағ эвазига товуқ ва жўжа боқиш учун махсус қафаслар, озуқа харид қилинди. 15 киши иш билан таъминланди.

– Олтмиш мингдан ортиқ товуқ ва жўжа парваришламоқдамиз, – дейди «Sardor-Bahrom zoo» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Иномов. – Маҳсулотларимизга талаб катта. Шу боис тухум етиштиришни оширишга ҳаракат қилиб, ҳар куни истеъмолчиларга арзон нархларда эллик минг дона тухум етказиб бермоқдамиз. Бунда давлатимиз томонидан паррандачиликни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва банкларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» тадбиркорларга молиявий кўмак бериш билан бир қаторда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз бизнесини йўлга қўйишини ҳам қўллаб-қувватламоқда. Шу мақсадда жорий йилда 380 битирувчининг мурожаатини ижобий ҳал этиб, уларга 8,5 миллиард сўм кредит ажратди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Мухтасар айтганда, банк томонидан хусусий секторнинг молиявий қўллаб-қувватланаётгани соҳани изчил ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

**Сайёра ШОЕВА**

*Аллоҳга беҳисоб ҳамду санолар бўлсинки, Улуғ Рамазон ойи жаннатмакон мамлакатимизда ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Мустақил Ватанимиз учун бу йилги рамазон ҳар қачонгидан файз-футуҳли, шукуҳли, баракотли бўлди.*



Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!

# ШУКРОНАЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Юртимиз ўз истиқлолини қўлга киритган кунидан бошлаб, халқимиз кўп асрлик диний ва миллий қадриятларни эъзозлаб кўтаринки шукуҳ ила ҳар йил ўзгача тароват билан ўтказиб келмоқдалар. Жумладан, Рамазон ҳайити ҳам ўзгача аҳамиятга эга бўлган улуғ кундир.

Истиқлол шарофати билан ҳар йили давлатимиз раҳбари томонидан махсус Қарор қабул қилиниб, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш кунлари деб эълон қилиниб, барча юртдошларимиз бу кунларни кўтаринки байрам руҳида кенг нишонлаб келмоқдалар.

Бугун шуни ишонч билан тан олиб айтиш керакки, халқимизнинг асрий орзулари ушалган ушбу шодиёна кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ. Неча йиллар мобайнида халқимиз диний эътиқоди ва қадриятларидан мосуво бўлди, ҳақ-ҳуқуқлари топталди. Аллоҳга беҳисоб шукроналар бўлсинким, мустақилликка эришдик, миллий ва диний қадриятларимиз ўзимизга қайтди. Мусулмонларимиз ибодатларини эмин-эркин адо этадиган, диний таълимни бемалол оладиган бўлдилар. Кўплаб масжидлар янгидан очилди. Жумладан, «Ҳазрати Имом» жоме масжиди, «Минор» жоме масжидлари барпо этилди. Минглаб ватандошларимиз муборак ҳаж ва умра зиёратларини қилиш имкониятига эга бўлдилар. Буларнинг барчаси муҳтарам Юртбошимизнинг олиб бораётган оқилона ва одилона сиёсатларининг самарасидир.

Буларнинг натижаси ўлароқ бу йилги Рамазон ойи ҳам ниҳоятда файзли ва шукуҳли кечдики, бу ойда ибодатларимиз ҳар қачонгидан кўп ва холис бўлди. Бир ой давомида диёримиздан етишиб чиққан мужаввид қорилар иштирокида мамлакатимиз масжидларида Қуръони карим хатмоналари бўлиб ўтди. Мусулмонларимиз бу ойни тоат-ибодат, тавба-тазарру, сабр-бардош, яхшилик ва меҳр-мурувват йўлида ўзаро мусобақа билан безашга ҳаракат қилишди. Чунки, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «***Яхшиликда мусобақалашинглар***» деб марҳамат қилган. Рамазон савобли амалларни қилиш учун мусобақа ойидир десак муболағa бўлмайди. Албатта бунда илоҳий кўрсатмалардан чиқмаслик талаб этилган. Зеро, муқаддас динимиз кўрсатмаларида, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларида бундай хайрли ишга тарғиб қилингандир.

Имом Бухорий ривоят қилган Салмоний Форсий (р.а.)дан келтирилган ҳадисда Набий (с.а.в.): **«Рамазон ойи меҳр-мурувват** *улашиладиган (ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар оладиган, уларнинг қалбига хурсандчилик киришига сабаб бўладиган амалларни қилиш учун савобли амалларни бажариш)* **мавсуми эканлигини»** айтганлар.

Бу динимизнинг одоби ва бугунги кунда муқаддас ислом динининг асл мақсадларини бузиб кўрсатаётган ғаламис кимсалар, тўда, гуруҳ аъзоларининг қилаётган манфур ишларининг динимиз таълимотида кўрсатилган кўрсатмаларга зид эканлигини аниқ мисоллар билан очиб бергувчи мисолдир десам муболағa бўлмайди. Ислом дини эзгулик, инсонларга меҳр-мурувват кўрсатишга ундайдиган, инсонни ўзига ҳам, ўзгага ҳам озор бермасликка чорловчи диндир. Шунингдек, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бизга кўрсатмалари шундай бўлган. Ўзлари бу ойда бошқаларга қараганда кўпроқ ибодат, эзгу ва хайрли ишлар қилганлар. Бундан руҳланган мўмин-мусулмонларимиз бу ойда эҳсон-саховатларини ҳар қачонгидан ҳам кўпайтириб катта савоблар олиш умидида эҳтиёжманд, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатганлар.

Бу йилги Рамазон ҳайитини ҳаммамиз учун Аллоҳ таолонинг ўзи муборак айлаб, юртимиз учун, халқимиз учун, оилаларимиз учун хайрлик ва манфаатли айласин. Янада бизни хурсанд қиладиган ва барчамизга кўтаринки кайфият бахш этадиган кун бу Ватанимиз истиқлолининг йигирма тўрт йиллигини фахру ифтихор билан нишонлаш арафасида шодиёналик билан қарши олмоқдамиз. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида юртимиз ҳар жабҳада янада ривожланиб, тараққий топди. Диёримиз чиройи кундан-кунга очилиб, ҳаётимиз тобора фаровонлашиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кўламидан жаҳон аҳлининг ҳайрати чексиз. Имонли, иқтидорли, маҳоратли ва гўзалликка интилувчи халқимиз буюк ва муқаддас Ватанимиз истиқлолини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, унинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида тинмай ҳаракат қилмоқда.

Яратган Парвардигор Қуръони каримда ана шу тинчликни сақлаш ва қадрлаш вазифасини инсон зиммасига юклаб, Ислом дини тинчликка тарғиб қилишини, шайтоний йўлларга эргашмаслик лозимлигини таъкидлаб, шундай дейди: яъни **«Эй, имон келтирганлар! Ёппасига тинчлик ишига киришингиз!...!»** (Бақара сураси, 208-оят). Дарҳақиқат, тинчлик мавзуси ўта муҳим бўлганлиги боис ҳам Қуръони карим оятларидан ўрин олган. Араб тилидаги «салм», «силм», «салом» ва «ислом» сўзлари бир ўзакдан чиққан, турли маънодаги сўзлар бўлсада, айнан бир мақсадга йўналтирилгандир.

Тинчлик бу ислом шиоридир. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар ўзаро муомалаларини доимо бир-бирларига тинчлик тилаш, яъни саломлашиш билан бошлайдилар.

Инсон ўзидаги неъматнинг қадрини унинг устида мулоҳаза юритиш, шу неъматдан ўзгалар ҳам баҳраманд ёки бебаҳра эканлигини ўйлаб кўриш билан билади. Бу эса янада кўпроқ Аллоҳга шукр қилишга ундайди. Неъматнинг бардавом бўлиши унинг шукрининг адо этилишига боғлиқдир. Неъматнинг салмоғига қараб шукр ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи неъматларнинг шукри тилда «алҳамду лиллаҳ» дейиш билан адо бўлса, бошқа хил неъматлар ҳам борки, уларнинг шукрини амалий тарздагина адо этиш мумкин. Тинчлик ана шундай амалий шукр талаб қиладиган неъматдир. Бу неъматнинг шукрини адо этиш барчанинг зиммасига фарздир. Кексалар тинчликнинг мустаҳкамлигини сўраб дуо қилишлари, ўрта ёшлилар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, ёшлар эса уни ҳимоя қилиш учун астойдил бел боғлашлари билан бу неъматнинг шукрини адо этган бўладилар.

Маълумки, инсоният ҳаёти давомида турли мафкура ва маслаклар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликларни бошидан кечирган. Бунинг оқибатида ўзаро келишмовчиликлар ва нотинчликлар юзага келиб турган. Тарихга назар ташланса ҳамма даврда ҳам давлатнинг ривожланиши, тараққий топиши жамиятнинг фаровон ва осойишта ҳаёт кечиришига боғлиқлигида аён бўлади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида тинчлик-хотиржамлик энг катта неъмат эканлигини таъкидлаб шундай деганлар: яъни: ***«Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. У хотиржамлик ва сиҳат-саломатлик»***. Демак, тинчлик ва хотиржамлик Аллоҳ таолонинг беҳисоб бўлган буюк илоҳий неъматларидан биридир. Қолаверса, барча эзгу ишлар рўёбга чиқишининг боиси ҳам осойишталикдир. Шундай экан, инсонлар нафақат мавжуд тинчликнинг қадрига етиб, шукрини адо этишлари, балки, унга ношукрлик қилиб путур етказишдан ҳам сақланишлари лозим.

Осойишталик ҳар кимга, ҳар жойда ҳам зарур. Киши хотиржам бўлсагина, ҳаётда кўзлаган мақсад ва орзу-ҳавасларини амалга ошириш йўлида саъй-ҳаракат қила олади. Бирор кишининг фарзанди бетоб ёки уйи нотинч бўлса у кишининг хаёли паришон, фикри айқаш-уйқаш бўлиб, ўйлаган ишларини бажаришга қўли бормайди, доимо фикру зикри бетоб фарзандида ёки нотинч оиласида бўлади. Бола соғайиб, оиласи тинч бўлса, кўнгли хотиржам бўлса маъюслиги кетиб, кўзлари чақнайди, фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланиш, уларни келажак ҳаётга тайёрлаш иши билан машғул бўлишга имконият қидиради.

Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган ишонч ва садоқатлари, меҳр ва мурувватларининг самимий бўлиши ҳам асосан хотиржамликка боғлиқдир. Демак, дунёда ҳаётнинг бир маромда давом этиши, халқнинг Ҳақ таоло буюрган ишларини мукаммал ва хотиржам адо этишлари учун тинчлик ва осойишталик лозим.

Мана бугун барчаларимиз баҳоли қудрат Рамазон ойи рўзасини тутиб, Аллоҳнинг ўзи ваъда қилган буюк мукофотни қабул қилиш куни бўлган фитр ҳайити каби улкан шодиёнада турибмиз. Рамазон ҳайити катта шодиёна, хурсандчилик ва кўтаринкилик билан ўтказиладиган муборак байрам. Чунки ушбу кун тутган рўзаларимиз қабул этиладиган, Аллоҳнинг раҳмати ва фазли ер юзига мўл-кўл ёғиладиган, Аллоҳга итоатда бўлган қалбларимиз шавқланадиган ажойиб палладир. Шу боис ҳайитда барчаларимиз хурсандчилигимизни, сururимизни, саховатимизни ва юксак ахлоқимизни ҳар қачонгидан кўра кўпайтиришимиз зарур.

Ҳайит – Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига зиёфат кунидир, уларнинг қилган солиҳ амаллари, Аллоҳ учун тутган рўзалари эвазига улкан мукофотлар ва жаннат неъматларини ваъда қилган кунидир. Энди эса Рамазон ойини қандай ихлос, ғайрат ва сабр билан ўтказган бўлсак, ҳайит байрамини ундан-да аълороқ, ундан-да файзлироқ қилиб ўтказишимиз керак бўлади. Ҳайитдан мақсад, кўнгилларга хушнудлик, нафсларга севинч, жисмга роҳат бағишлаш, дўстлар, яқинлар ўртасида муҳаббат, қариндошлар, қардошлар орасида меҳр ришталарини янгилаш, кишиларни бир-бирларига ёрдам ва саховат кўрсатишга чорлашдир. Ҳақ таологa беадад шукроналар бўлсинки, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу тинчлик неъматининг қадрига етмоғимиз, уни асраб-авайлаш учун ҳар биримиз ҳаракат қилмоғимиз лозим. Чунки бу доруломон кунларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: яъни: **«Агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман...»**. Бизлар ҳам берилган неъматларнинг қадрига етиб, динимиз ривожига кўрсатилаётган шароит ва ғамхўрликларни Аллоҳнинг улуғ марҳамати деб қабул қилишимиз, бунинг шукронасини ҳамиша адо этишимиз лозим.

Шунинг учун ҳам Яратганга шукроналар айтиб, буюк фарз амали Рамазон ойи рўзасидан сўнг, Аллоҳнинг тавфиқи билан диёримизга кириб келган муборак Рамазон ҳайити бугун барчамиз учун шодлик ва хуррамлик айёмига айлансин, деймиз! Бу кун хуррамлик айёми, қутлуғ байрам экан, унинг шукрини адо этиш, ушбу муборак кунда ҳаммамизга ардоқли ота-оналаримиз, қавму қариндошларимиз, улуғларимиз зиёратига бориб, уларнинг дуоларини олиш, бетоб, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабардор бўлиш, ёрдамга муҳтож кишиларга қўлдан келганича хайр-саховат кўрсатиш, бир-бирларимизни ҳайит билан муборакбод этиш, эски гина-кудуратларни унутиб, силаи раҳмни ва инсоний муносабатларни тиклаб олиш ва шу тариқа Аллоҳ таолонинг раҳмат ва мағфиратига сазовор бўлиш ҳар бир мусулмоннинг байрам кунларидаги энг савобли амаллари саналади. Бу кунларни азага, хафагарчиликка айлантирмаслик керак. Ўтганларимизни эслаш, уларнинг руҳларини шод этиб дуойи хайрлар қилишимиз яхши амал, лекин булар ҳайит байрами шукуҳига таъсир қилмаслиги лозим. Аллоҳ таоло Рамазон ҳайитини барчаларимизга муборак қилсин! Байрамнинг шарофатидан мустақил Ватанимиз равнақи, халқимизнинг аҳилиноқлиги, бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкам бўлишини насиб айласин!

**Анвар қори ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент шаҳар бош имом-хатиби**

---

*Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидаги хушманзара гўшада жойлашган «Транспортчи авлод» номли ёзги болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида маънавий-маърифий-маданий ва спорт тадбири бўлиб ўтди.*



Оромгоҳ — 2015 йил

## БОЛАЖОНЛАРГА ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШИЛДИ

Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбир жуда қизиқарли дастурдан иборат бўлди. Жумладан, шу куни болажонлар «Қувноқ стартлар» мусобақасида ўз спорт маҳоратларини намоён этишди. «Гулхан атрофида баҳслар» ўйинида қатнашишди. «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Юртим жамоли» шиори остида асфальтга расм чизиш кўрик-танловида мавзуларни ўз талқинлари бўйича очиб беришга ҳаракат қилишди. Шунингдек, «Сен тарихни биласанми?», «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзуларида давра суҳбати, «Расм — тасвир санъати», «Каштачилик сирлари» йўналишлари бўйича ўтказилган маҳорат дарслари болажонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбек Давлат цирки артистлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими санъаткорларининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Якунда давра суҳбатларида фаол қатнашган ўқувчиларга, спорт мусобақаларида 1, 2, 3-ўринларни қўлга киритганларга совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

---

Анжуманлар

## ФАХРИЙЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан «Божхона хизмати фахрийларини қадрлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Божхона хизмати фахрийлар Уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Давлат божхона қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда қўмита ва уюшма мутасадди раҳбарлари, божхона фахрийлари ҳамда бўлажак божхоначи кадрлар иштирок этди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида бугун мамлакатимиздаги каби божхона тизимида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, божхона тизимидаги пенсионерлар сони 1800 нафардан ошади. Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона фахрийларига ҳамда хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган божхона ходимларининг оила аъзоларига мурувват кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари уюшмасига 57 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, 144 нафар нафақадаги божхоначилар ҳамда хизмат вақтида ҳалок бўлган божхона ходимларининг оилаларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатилиб, 34 нафар бемор ходимларнинг ҳолидан хабар олинди.

Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, йил бошидан буён турли жамиятлар ва фондларга, кам таъминланган кексаларга 104 миллион сўм миқдоридаги хайрия ёрдами кўрсатилди.

Айни пайтда Уюшмага 1800 дан ортиқ божхона фахрийлари ҳамда боқувчисини йўқотганлар аъзо. Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари Уюшмаси бошқаруви «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Уюшма томонидан божхона фахрийларини маънан қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2014 йилда «Ўзбекистон божхона фахрийси» кўкрак нишони таъсис этилди ва унинг низомлари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, божхона тизимини ривожлантиришга ва соҳада эришилган ютуқларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўз касбига садоқати ва фидокорона меҳнати учун 30 нафар божхона фахрийлари ушбу кўкрак нишони билан тақдирланди.

Бундан ташқари, Уюшма томонидан 36 нафар фахрийларнинг саломатликларини тиклаши учун Ички ишлар вазирлиги госпиталлари, «Ўзбекистон» сиҳатгоҳида даволанишларида амалий кўмак кўрсатилди. 184 нафар бемор фахрийларнинг ҳолидан хабар олинди.

Анъанага кўра, Янги йил байрами, Ватан ҳимоячилари куни, Наврўз айёми ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жойларда божхона фахрийлари учун байрам дастурхонлари ёзилди.

Анжуман давомида божхона фахрийлари ва бўлажак божхоначилар ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш, ёш кадрларнинг профессионал мутахассис бўлиб етишишида божхона фахрийларининг тажрибасидан унумли фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани таъкидлаб ўтилди. Уюшма томонидан Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида божхона тизими учун кадрлар тайёрлаш ишига кўмаклашиш, тингловчиларда танлаган касбига қизиқиш ва садоқатини ошириш, уларни миллий божхона тарихи ва анъаналари руҳида тарбиялаш, интизоми ва намунали хулқи, спортда юқори натижаларга эришиши йўлида ёрдам бериш, иқтидорли, аълочи тингловчиларни рағбатлантириш орқали институтда таълим жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида «Намунали божхона тингловчисига» кўчма вимпели таъсис этилди.

Уюшма бошқаруви ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар фахрийларининг жамоат ташкилотлари билан ҳам ўзаро алоқалар ва тажриба алмашинувини йўлга қўйган бўлиб, улар томонидан ташкил этилаётган турли тадбирларда ҳам фаол қатнашиб келинмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар олишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

---

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

**Меҳр — дилларнинг гулшанидир.**

* * *

**Ота-онанинг меҳрини қозониш — фарзанднинг бахтидир.**

* * *

**Меҳр алангаси ғараз тошларини эритиб ташлайди.**

* * *

**Одамга энг кераги — атрофдагиларнинг меҳрию ўз Ватани.**

* * *

**Яхши одам — қалбларга меҳр экувчидир.**

* * *

**Ҳаётнинг маъноси — мукаммал яшамоқдир.**

* * *

**Меҳр — кўнгил уйини тозаловчидир.**

* * *

**Кексаларни ҳурмат қил, бир куни вақти келиб ўзинг ҳам шундай қарийсан.**

**Байт:**

**Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,**
**Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.**
**Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,**
**Буни тушунарсан қариган чоғинг.**

* * *

**Инсон — ўз хатти-ҳаракатларига хос яшайди.**

* * *

**Меҳр қозониш инсонга қанот беради.**

* * *

**Ҳаётда ҳам дили, ҳам тили ёқимли одамлар яхши яшайди.**

* * *

**Тўғри ва ҳалол гапирган киши ҳамманинг ишончини қозонади.**

* * *

**Меҳрли кўнгилда ғубор бўлмайди.**

* * *

**Жонингни фидо қилиб ёрит ўзгалар уйин,**
**Шунда инсон бўласан, яшайсан инсон учун.**

* * *

**Ердаги жамики гўзал нарсалар — офтобдан ва барча яхши нарсалар — инсондан.**

* * *

**Қалби меҳрга тўла одам хор бўлмайди.**

* * *

**Меҳрнинг замини — ҳурматдир, ўзаро ҳурмат бўлмаган ҳаётнинг тахир кунлари бор.**

---

Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи Учтепа тумани М.Уйғур кўчаси, 485-уйда жойлашган коллеж ошхонасининг 156 м² майдонини умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга ижарага бериш учун 2015 йилнинг 25 июль куни соат 11.00 да танлов ўтказади.
Аризалар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчаси, 485.
Тел: 247-75-71

